

## ҚЎШИҚ – ИЛОҲИЙ МЎЪЖИЗА

Биз ҳаётимизни куй ва қўшиқсиз тасаввур ҳам қилолмаймиз. Нақл қилинишича, ҳатто инсон жисмига жон ҳам мусиқа воситасида кирган экан. Шунинг учун яхши кунимизда ҳам, ёмон кунимизда ҳам – бешиқдан қабрга қадар умримиз давомида бизга турли мавзудаги қўшиқлар ҳамроҳ.

Ота-боболаримиз санъатни, адабиётни ҳеч қачон илму ҳунардан ажратишмаган. Бекиёс тафаккур қудрати, бетакрор қалами сеҳри билан дунё илму адаб аҳлининг эътирофи ва ҳайратига сазовор бўлган буюк олиму адибларимиз ҳам аксар мусиқа билимдонлари, забардаст бастакору моҳир созанда, баъзида ҳатто соҳир хонанда ҳам бўлишган. Ривоят қилишларича, Хуросон сафаридан Бухоро амири Наср ибн Аҳмадга Марв об-хавоси ниҳоятда ҳуш келиб, шу ерда узок қолиб кетади. Аркони давлат юртни соғиниб, бетоқат бўла бошлайдилар. Лекин ҳеч ким юрак ютиб, бу ҳақда ҳукмдорга оғиз оча олмайди. Охири сомонийлар давлатининг малик уш-шуароси Абу Абдулло Рудакийни совға-саломлар билан сийлаб, амирни Бухорога қайтишга қўндиришини сўрайдилар. Шунда шоир Наср ибн Аҳмад ҳузурига кириб «Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме» («Мўлиён ариғи сувининг бўйи келмоқдадир») мисраси билан бошланган, асрлар давомида шуҳрат тутиб, 120 шоир тазмин битган, лекин бирортаси бадииятда унга яқинлашолмаган ғазалини қуйга солиб ижро этади. Ватан туйғуси, интизорлик кечинмалари ўзининг теран ва ҳассос ифодасини топган бу ёниқ қўшиқни эшитган амирнинг қўнғлида Бухоро соғинчи шунчалик жўш урганки, ҳатто кийинишни ҳам унутиб, чодирдан югуриб чиққанича отга миниб, «Қайдасан, Бухоро?» деб йўлга тушган экан.

Рудакийнинг мусика илмида тенгсиз, уд чалишда моҳир, қўшиқ айтишда машхурлиги ҳақида манбаларда маълумот берилади. Аслида биргина Рудакий эмас, Шаркнинг қўпчилик олиму адиблари, ҳатто давлат арбоблари мусикадан яхшигина хабардор бўлишган: соз чалишган, қўшиқ айтишган, куй басталашган. Чунончи, Абу Наср Форобийнинг конун деган мусика асбобини ихтиро қилганлиги, удга бир тор қўшганлиги ривоят қилинади. Амир Хусрав Дехлавий ҳам нуктадон ва машхур бастакор сифатида мусикага бағишлаб рисола ёзган. Кўплаб куйларни унга нисбат берадилар.

Алишер Навоий эса Хожа Юсуф Бурхон хузурида мусикадан сабоқ олган. Улуғ шоирнинг ўзи бу ҳақда у «муסיкий илмин ҳам яхши билур эрди ва муסיкий фанида анинг шогирдимен»,<sup>1</sup> – деб ёзади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам «Бобурнома»да: «Яна мусикада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур»<sup>2</sup>, – деб маълумот беради. Фитрат бир катор манбалардаги маълумотлар асосида «қари наво» (Аслида «қари Навоий») куйи Алишер Навоийга тегишли бўлса керак, деган тахминни илгари суради: «Бухоронинг эски муסיкийшунослари орасида бу куйнинг Навоий асари бўлгани сўйланадир»<sup>3</sup>. Ўз навбатида, Бобурнинг ўзи ҳам мусика назариясидан яхшигина хабардор бўлиб, ҳатто бу санъат ҳақида рисола ёзганлиги хусусида маълумотлар бор. Машхур инглиз муаррихи ва «Бобурнома» мутаржими Уильям Эркиннинг ёзишича: «У яратган куй ва қўшиқлар жуда ёқимли оҳангда бўлиб, унинг вафотидан кейин ҳам халқ оғзидан тушмади»<sup>4</sup>. Ёки Убайдий тахаллуси билан ўзбек, форс-тожик ва араб тилларида бирдай маҳорат билан қалам тебратган Бухоро хони Убайдул-

---

<sup>1</sup> А л и ш е р Н а в о и й. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. 13-жилд (Мажолис ун-нафоис). – Тошкент: «Фан», 1997. 51-бет.

<sup>2</sup> З а х и р и д д и н М у х а м м а д Б о б у р. Бобурнома. – Тошкент: «Шарк», 2002. 132-бет.

<sup>3</sup> Ф и т р а т. Ўзбек классик муסיкаси ва унинг тарихи. – Тошкент: «Фан», 1993. 43-бет.

<sup>4</sup> Э р к и н У. Бобур Ҳиндистонда (Ғ.Сотимов таржимаси). – Тошкент: «Чўлпон», 1995. 105-бет.

лохон куй ва қўшиқлари халқ томонидан севиб ижро этиладиган истеъдодли созанда ва бастакор ҳам эди<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, биз дунёни фақат миллий санъатимиз билан олишимиз мумкин ва олаяшимиз ҳам. Дунё аҳли аввало миллий санъатимизнинг теранлиги, гўзаллиги, жозибаси, бетакрорлигига қўйил қолишса, иккинчидан, шундай бебаҳо қадриятларимизни сақлаб қолганимиз ва барҳаёт анъаналаримизни беқиёс меҳру муҳаббат билан давом эттираётганимизга ҳавас қилишади. Чунки миллий қадриятлар масаласи барча халқларда ҳам долзарб ва бу бебаҳо маънавий меросни бизчалик сақлаб қолган халқлар унча кўп эмас. Бу бизга чексиз ифтихор бахш этиши билан бирга, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Албатта, эстрада санъатига ҳеч ким қарши эмас, лекин бизнинг эстрадамиз эмас, балки миллий қўшиқчилигимиз дунёга машҳур. Комилжон Отаниёзовнинг айтишича, Хоразмда азалдан «Сувора»ни авж пардада куйлаган хонандагина хофиз деб тан олинган. Устозининг бу фикрларини давом эттириб, Ортик Отажонов ҳам: «Санъат оламига мақом деган дарвозадан кирилади»<sup>2</sup>, – дейди.

Халқимизнинг мумтоз ашулаларга муҳаббати ҳамиша баланд бўлиб келган. Ҳатто қўшиқ мафқуралаштирилган, замонавий қўшиқчилик зўр бериб қўллаб-қувватланган шўро даврида ҳам мумтоз қўшиқлар янграшдан сира тўхтамаган. Мустақиллик даврида эса кўплаб муқаддас қадриятлар каби мумтоз қўшиқчиликка ҳам кенг йўл очилди. Ҳозир мумтоз ашулаларга мурожаат қилмаган санъаткорни топиш қийин. Мумтоз қўшиқларни замонавий усулда, ҳатто эстрада йўналишида айтишяпти.

Маълумки, ҳар қандай қўшиқ сўз, оҳанг ва ижро уйғунлигидан иборат яхлит санъат асари. Бу унсурлардан бири етишмадими, билингки, ўша қўшиқ мукамал

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: О ч и л о в Э. Забардаст рубойнавис // У б а й д и й. Дийдор орзуси (Рубойлар). – Тошкент: «Шарқ», 2007. 15-бет.

<sup>2</sup> О т а ж о н о в О. «Санъатта девор оша кириб бўлмади...» (Р.Қутлимурадov ва А.Сафоев билан суҳбат) // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2007, 30 март.

бўлмайди. Кейинги пайтларда бу учликни бирга кўриш амримахол бўлиб қолди. Куй гўзал бўлса, сўзи саёз, матн теран бўлса, куй хароб, шеър ҳам, мусиқа ҳам жойида бўлса, ижро ўхшамайди. Мен бу учлик ёнига тўртинчи қилиб овозни, бешинчи қилиб дардни кўшган бўлар эдим. Чунки кейинги пайтда овозсиз хонандалар кўпайиб кетди. Холбуки, Ортиқ Отажонов таъбири билан айтганда, санъаткор учун табиий овознинг аҳамияти бекиёс бўлиб, у «кўшиқни тутиб турадиган биринчи канотдир»<sup>1</sup>. Чунончи, Хожи Абдулазиз хақида самарқандликлар: «Хожи бобо Регистонда ашула айтсалар, авжини Исфaxonдагилар ҳам бемалол эшитаверадилар»<sup>2</sup>, – деб лутф қилишар экан. Бундай ноёб овоз соҳиблари ҳамма даврда ҳам камёб бўлишади. Дард ҳам кўшиқнинг муҳим унсурларидан – сўз ҳам, мусиқа ҳам, овоз ҳам, ижро ҳам жойида бўлса-ю, хонандада дард бўлмаса, бундай кўшиқлар ҳам тингловчи қалбига етиб бормайди. Улар, таъбир жоиз бўлса, сунъий гулга ўхшайди.

Мумтоз кўшиқларнинг моҳир ижрочиси Орифхон Хотамов: «Агар мумтоз кўшиқларни куйламоқчи бўлсанг, матни синчковлик билан ўқи, шеър, ғазал замиридаги маънони, шоир мақсадини тўла тушуниб ол, ана шундан кейингина ашула устида ишлагин. Сен куйлаган ашулалар тингловчи қалбига қандай етиб борганини ўзинг ҳам сезмай қоласан»<sup>3</sup>, – деган экан шогирди Матлуба Дадабоевага. Комилжон Отаниёзов ҳам шогирдларига: «Хонанда саводли, маълумотли бўлиши, оғзидан чиққан сўзнинг маъносига тушуниши учун адабиётни кўп ўқиши керак. Адабиёт билан санъат оға-ини, балки эгизакдир. Ҳақиқий санъаткор шоирлар, адиблар билан яқин алоқада

---

<sup>1</sup> С о к и н Ш. Етти мулоқот (Ортиқ Отажонов билан кечки суҳбатлар). – Тошкент: «Ўзбекистон», 1994. 18-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Н а с р и д д и н о в Б. Тўйчи Ҳофиз. – Тошкент: Ғафур Ғулom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. 46-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: «Кўшиқ – менинг борлигим» (Р.Турсунов ва М.Дадабоева баҳси) // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси, 2008, 25 апрель.

бўлмоғи лозим»<sup>1</sup>, – дер экан. Сўзнинг кадрига етадиган ана шундай сўзшунос ҳофизларимиз кўп бўлмаса-да, кам ҳам эмас. Айни жиҳатдан, машхур ҳофиз Расулқори Мамадалиев билан боғлиқ бир воқеа ибратли.

Хикоя қилишларича, Расулқори Мамадалиев навбатдаги ашуласини тайёрлар экан, ундаги бир сўзнинг мазмунини сира чақолмабди. Ўша биргина сўзнинг маъносини тушунтириб берадиган кишини бутун Қўқондан излаб тополмагач, икки кўзи ожизлигига қарамай, шаҳарлараро автобусга ўтириб, Фарғонага боради. Икки кун овора бўлиб, ўша сўзнинг маъносини билиб олгачгина қўшиғини расман ижро эта бошлайди<sup>2</sup>.

Қўшиқсевар халқимиз ва мумтоз кўшиқларнинг иж-рочиси бўлган санъаткорларимизнинг талаб-истакларига кўра бундан бир неча йил муқаддам 200 га яқин мумтоз кўшиқлардан иборат «Умрбоқий кўшиқлар» номли бир тўплам тартиб берган эдик. У тезда ўз ўқувчиларини топиб, бугунги кунда ноёб нашрга айланди. Лекин дастлабки тажриба бўлганлиги учун унинг муаллифлар доираси анча тор бўлиб, кўплаб кўшиқлар унга кирмай қолган эди. Мавжуд талаб-эhtiёжлар асосида унинг тўлдирилган янги нашрини тайёрладик.

Бу кўшиқларнинг деярли барчаси шоирлар девонларидан олинди. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси – мусиқа китобларида уларнинг матни кўпдан-кўп хатолар билан берилган (ҳатто IX жилдлик «Ўзбек халқ музикаси» ҳам бундан мустасно эмас). Иккинчиси – кўплаб кўшиқлар турли қуйларда турли ҳажмда қуйланган. Биз такрорнинг олдини олиб, кўшиқлар матнини тўла беришни маъқул топдик.

Муайян олинган кўшиқ бир неча қуй билан ижро этилади ёки бир қуйга бир неча ашула солинади. Масалан, «Ушшоқ» қуйи билан Навоийнинг «Қаро кўзум», «Ғаминг ўқиқи», Комилнинг «Юзунг фироқидин», Сарёмийнинг «Қаро кўзунгни асири» ва бошқа кўшиқлар қуйланади.

<sup>1</sup> Зоҳидов Ф. Комилжон Отаниёзов. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 53–54-бетлар.

<sup>2</sup> Сокин Ш. Етти мулоқот. 44-бет.

«Оромижон» куйи билан Бобурнинг «Хазон яфроғи янглиг...», Завқийнинг «Юзунгни кўрсатиб аввал...», Муқимийнинг «Ул кун, жонон, юзни тобон айладинг», мураббаъси ижро этилади. Муқимийнинг айни кўшиғи «Кўчабоғи» куйи ва «Ул кун жонон» номи билан ҳам айтилади. Ёки шоирнинг «Бошима ишқинг тушуб, савдо бўлурму мунча ҳам» мисраси билан бошланадиган ғазали «Илғор», «Уфори Абдурахмонбеги» куйлари ва «Мунча ҳам» номи билан ижро этилади. Шунинг учун кўшиқлар номи такрор келганда, уларни матн ости хаволасида кўрсатиб бордик.

Илмда «ғалати машхур» деган ибора бор – хато бўлса-да машхур бўлиб кетган сўзлар, иборалар, тушунчалар, нарсаларга нисбатан шундай дейилади. Бундай нарсалар барча соҳаларда, жумладан, кўшиқчиликда ҳам мавжуд. Масалан, Фуркат шеъри сифатида машхур бўлган «Фиронким, гардиши даврон айирди шоҳсуворимдан» мисраси билан бошланадиган кўшиқ матни асли Нодира каламига мансуб бўлиб, Ўлмас Расуловнинг фикрича, «Фуркат» кинофильмида ижро этилганидан сўнг у Фуркат шеъри сифатида машхур бўлиб кетган. Лекин мазкур кўшиқ халқимиз ўртасида ниҳоятда машхурлиги, бунинг устига, Нодира ғазали ва Фуркатга нисбат берилган кўшиқ матнида тафовутлар борлиги, қолаверса, бу кўшиқлар тўплами эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг биринчисини «Наврўзи хоро», иккинчисини «Соғиниш» номи билан тўпламга киритишга қарор қилдик.

Муסיқа китобларини ўрганар экан, баъзида у ёки бу шоир номи олинган сўзлар учраса ҳам, ўша шеърни у ёки бу шоирга нисбат бериб машхур бўлганлигига гувоҳ бўлдик. Чунончи, «Нотавонман» деган кўшиқнинг Фуркатга нисбат бериб машхур бўлишида унинг матнидаги биргина «фуркат» сўзи сабаб бўлган бўлса (Аслида бу сўз айрилик маъносида келиб («сўзи фуркат» – айрилик ўти, хижрон оташи), зинҳор тахаллус сифатида қўлланмаган)<sup>1</sup>. «Излайман» кўшиғининг Завқийники бўлиб қолишида

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек халқ музикаси. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат Бадий адабиёт нашриёти, 1957. 213-бет.

шавку сурур маъносидаги «завк» сўзи сабаб бўлган («Нетай, завким-шавким бўлса зиёда»)<sup>1</sup>. «Чоргоҳ» куйи билан ижро этилиб, Лутфийга нисбат берилган «Ишқида» радифли мухаммаснинг ҳам савия ва услуб жиҳатидан буюк шоирга алоқаси йўқ<sup>2</sup>. Лекин факт сифатида уларни ҳам тўпламга киритиб, матн остида изоҳ бердикки, токи бу каби янглишишларнинг олди олиниб, бундан кейин ҳам давом этмасин. Лутфийга нисбат берилган «Дугоҳи ҳусайн – V» куйи билан ижро этиладиган мухаммас ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин<sup>3</sup>.

Мумтоз матнлар мағзини чақиш осон эмас. Шуни ҳисобга олиб, қадимий туркий, араб ва форс тилидаги ҳозирги ўқувчига нотаниш сўзлар, баъзи исломий атама ва тушунчалар билан бирга, бир қатор тасаввуф истилоҳ ва тимсолларига ҳам изоҳ бериб кетдик. Мақсадимиз ушбу кўшиқлар матнини ўқиб тушунишда санъат аҳли ҳам, кўшиқсевар ўқувчилар ҳам иложи борича қийналмасинлар. Шу маънода 50 дан ортиқ мумтоз сўз санъаткорининг ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, таржеъбанд, таркиббанд, соқийнома, рубоий жанрларидаги кўшиққа айланган 800 га яқин шеърлари ва уларга берилган 3000 атрофидаги шарҳу изоҳларни ўз ичига олган ушбу икки жилдлик кўшиқлар тўплами санъат ва маданият аҳли – бастакорлар, хонандалар, маданият ва санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг ўқитувчи ва талабалари учунгина эмас, балки мумтоз адабиёт ва кўшиқчилигимиз муҳлиси бўлган кенг ўқувчилар оммаси учун ўзига хос қўлланма бўлади, деб ўйлаймиз.

Албатта, мазкур тўплам мумтоз ашулаларимизнинг барчасини қамраб олган деган фикрдан йироқмиз. Лекин мавжуд кўшиқларнинг ўзи ҳам бизнинг мумтоз кўшиқчилигимиз хазинаси қанчалик бойлигини яққол

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек халқ музикаси. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат Бадий адабиёт нашриёти, 1958. 91-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбек халқ музикаси. 2-жилд. 394-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбек халқ музикаси. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Бадий адабиёт нашриёти, 1959. 93-бет.

---

кўрсатиб турибди. Комил ишонч билан айтиш мумкин, дунёдаги бирор-бир халқнинг бунчалик катта адабдаги мумтоз кўшиқлари йўқ. Бинобарин, ана шундай бой маънавий мероснинг ворислари бўлган халқ хонандаларига кейинги пайтларда кўп кузатилаётганидек, ҳар мақомга йўрғалаш, турли алмойи-алжойи матнларни кўшиқ сифатида диди баланд элга ҳавола қилиш сира-сира ярашмайди. Айни жиҳатдан мумтоз кўшиқлар – катта маҳорат мактаби. Бу мактабдан сабоқ олган хонанданинг парвози баланд бўлади. Бу чашмадаги сув ичган тингловчининг диди ўсади, савияси юксалади.

*Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди*



## ОШИҚЛАР

Ўн сакиз минг оламда<sup>1</sup> хайрон бўлгон ошиқлар,  
Тобмай маъшук сўроғин сарсон бўлгон ошиқлар.

Ҳар дам боши ўргулуб, кўзи Ҳаққа термулуб,  
Ҳу-ху<sup>2</sup> тею жўр бўлуб, гирён<sup>3</sup> бўлгон ошиқлар.

Куюб-ёниб кул бўлгон, ишқида булбул бўлгон,  
Кимни кўрса кул бўлгон, нолон<sup>4</sup> бўлгон ошиқлар.

Йўл устида хок<sup>5</sup> бўлгон, сийналари чок бўлгон,  
Зикри бирлан пок бўлгон, мардон<sup>6</sup> бўлгон ошиқлар.

Ҳиммат қурин боғлағон, юрак-бағрин доғлағон,  
Тинмай доим йиғлағон, бирён<sup>7</sup> бўлгон ошиқлар.

Гоҳи юзи сарғариб, гоҳи йўлида ғариб,  
Тасбеҳлари «Ё Ҳабиб»<sup>8</sup>, жўён<sup>9</sup> бўлгон ошиқлар.

Қул Хожа Аҳмад, ошиқ бўл, сидқинг бирла  
содиқ бўл,  
Андин сўнгра лойиқ бўл, жонон бўлгон ошиқлар.

<sup>1</sup> Диний тасаввурлар ва тасаввуф фалсафасига кўра, ўн сакиз минг олам мавжуд. Бу тушунча коинотнинг бепоёнлиги ва мавжудотнинг беҳисоблигини англатади.

<sup>2</sup> Х у (Х у - Х у) - Оллоҳ таолонинг исмларидан бири бўлиб, учинчи шахс бирликдаги у маъносини билдиради. Сўфийлар кўпроқ Ҳу деб зикр қиладилар.

<sup>3</sup> Г и р ё н - йиғловчи, йиғлаб турган.

<sup>4</sup> Н о л о н - нола қилувчи, фирон чекувчи.

<sup>5</sup> Х о к - тупроқ.

<sup>6</sup> М а р д о н - мардлар, эрлар. М а р д - тасаввуфда Ҳаққа яқин кишилар, илоҳий сирлардан хабардор орифлар, валийлар маъносида келади.

<sup>7</sup> Б и р ё н - ковурилган, кабоб бўлган, куйган, ўртанган.

<sup>8</sup> Ҳ а б и б - 1) дўст; 2) маҳбуба; 3) Мухаммад алайҳиссаломнинг номларидан: Оллоҳнинг дўсти.

<sup>9</sup> Ж ў ё н - изловчи, қидирувчи.

## БУ ДУНЁ

Бешак, билинг, бу дунё барча халқдин ўтар-о,  
Инонмагил молинга, бир кун қўлдин кетар-о.

Ота-она, кариндош қаён кетти – фикр қил,  
Тўрт аёғлик чўбин от<sup>1</sup> бир кун санга етар-о.

Миндуруб ҳам елдуруб, элтса ўшал гўр уйга,  
Кириб ики сўргучи<sup>2</sup> сандин савол этар-о.

Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,  
Киши молини ема, сирот<sup>3</sup> узра тутар-о.

Аҳли иёл<sup>4</sup>, кариндош, ҳеч ким бўлмайдуру йўлдош,  
Мардона бўл, ғариб бош, умрунг елдек ўтар-о.

Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умрунг, билмам,  
неча йил,  
Аслинг билсанг обу гил<sup>5</sup>, яна гилга кетар-о.

---

<sup>1</sup> Бу ерда тобут назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Бу ерда марҳумларни қабрда сўрок қилувчи, уларнинг ер юзидаги қилмишлари тўғрисида ҳисоб олиб, қилган гуноҳларига қараб жазоловчи икки фаришта – Мункар ва Накир кўзда тутилмоқда.

<sup>3</sup> С и р о т – киёмат куни жаҳаннам узра тортилган жаннатга элтувчи соч толасидан ингичка, қиличдан ўткир қўприк.

<sup>4</sup> А х л и и ё л – оила, хонадон аҳли.

<sup>5</sup> О б у г и л – 1) сув ва тупроқ; 2) яратилиш ва табиат.

## МУҲАММАД

Ўн саккиз минг оламға сарвар<sup>1</sup> бўлгон Муҳаммад,  
Ўттуз уч минг асхобга<sup>2</sup> раҳбар бўлгон Муҳаммад.

Яланғочу очликка қаноатлик Муҳаммад,  
Осий<sup>3</sup>, жофий<sup>4</sup> умматга шафоатлик Муҳаммад.

Тунлар ётиб уймағон<sup>5</sup>, тиловатлик Муҳаммад,  
Ғариб, мискин, етимга саховатлик Муҳаммад.

Йўлдин озгон умматга ҳидоятлик Муҳаммад,  
Муҳим тушса ҳар кимга кифоятлик Муҳаммад.

Абу Жаҳл<sup>6</sup>, Бу Лаҳабга<sup>7</sup> маломатлик Муҳаммад,  
Маломатни собуни, саломатлик Муҳаммад.

Рўза, намоз қилғувчи ибодатлик Муҳаммад,  
Тинмай тасбеҳ этгучи риёзатлик<sup>8</sup> Муҳаммад.

Малъун, лаин шайтонға сиёсатлик Муҳаммад,  
Шариатни йўлиға иноятлик Муҳаммад.

---

<sup>1</sup> С а р в а р – сардор, пешво, кавмининг улуғи.

<sup>2</sup> А с х о б – дўстлар, суҳбатдошлар.

<sup>3</sup> О с и й – гуноҳкор, итоатсиз, исён қилувчи. У куфр ёки ширкка кетмаган бўлса, ҳар қанча катта-кичик гуноҳларига қарамай, мўмин-мусулмон саналади ва чин дилдан тавба қилса, гуноҳлари кечирилади.

<sup>4</sup> Ж о ф и й – жафокор, жабр қилувчи.

<sup>5</sup> У й м а в о и – ухламаган.

<sup>6</sup> А б у Ж а х л – Муҳаммад алайҳиссалом тарғиботига қарши курашгани, унга душманлик қилгани учун лаънатланиб, Абу Жаҳл – жаҳолат отаси лақабини олган Макка зодагонларидан Амир ибн Ҳишом (вафоти – 624).

<sup>7</sup> Б у Л а х а б – Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиси ва ёвуз душмани Абд ал-Уззо ибн Абдулмуталлибнинг лақоби: ўтда куювчи. У Қуръоннинг 111-сурасида лаънатланган.

<sup>8</sup> Р и ё з а т – тариқатта кирган солиқнинг камолот касб этиш ва Ҳаққа етиш йўлида чекадиган машаққатлари, ранжу изтироблари.

Тарикатга<sup>1</sup> рахнамо, иродатлик<sup>2</sup> Муҳаммад,  
Хақиқатга муқтадо<sup>3</sup>, ижозатлик Муҳаммад.

Дуолари мустажоб<sup>4</sup>, ижобатлик Муҳаммад,  
Ямонликқа яхшилик далолатлик Муҳаммад.

Тавфиқ<sup>5</sup> берган золимға ҳаловатлик Муҳаммад,  
Беш вақт намоз килғонда, имоматлик<sup>6</sup> Муҳаммад.

Меърож<sup>7</sup> ошиб борғонда шаҳодатлик Муҳаммад,  
Аршу Курси<sup>8</sup> бозори иноятлик Муҳаммад.

Саккиз биҳишт<sup>9</sup> эгаси валоятлик<sup>10</sup> Муҳаммад,  
Мискин Аҳмад кулиға китобатлик<sup>11</sup> Муҳаммад.

---

<sup>1</sup> Т а р и к а т - 1) умуман сўфийлик йўли; 2) сўфийликнинг муайян йўналиши; 3) сўфийликнинг босқичларидан бири.

<sup>2</sup> И р о д а т л и к - ихлослик, эътиқодлик.

<sup>3</sup> М у к т а д о - раҳбар, раҳнамо.

<sup>4</sup> М у с т а ж о б - қабул бўлиш.

<sup>5</sup> Т а в ф и қ - 1) ёрдам, мадад, кўмак; 2) баҳрамандлик; 3) имконият.

<sup>6</sup> И м о м а т л и к - имомлик.

<sup>7</sup> М е ъ р о ж - юкорига кўтарилиш; Муҳаммад алайҳиссаломнинг Оллоҳ ҳузурига кўтарилиши.

<sup>8</sup> А р ш - Арши аъло - буюк тахт. Оят ва хадисларга кўра, Арш оёқлари бор тахт бўлиб, уни фаришталар кўтариб туради. У худди олам устидаги куббага ўхшаш. У махлуқотларнинг шифтидир. К у р с и - Аршнинг иккинчи номи, етти қават осмондан ташқари, саккизинчи осмон ҳам тушунилади.

<sup>9</sup> Б и ҳ и ш т - жаннат.

<sup>10</sup> В а л о я т - валийлик, каромат кўрсатиш.

<sup>11</sup> К и т о б а т - ёзиш, мактуб, хат.

## ХОЛИҚИМНИ ИЗЛАРМАН

Холиқимни<sup>1</sup> изларман тун-кун жаҳон ичинда,  
Тўрт ёнимдин йўл инди кавну макон<sup>2</sup> ичинда.

Тўртдин еттига еттим, тўкқуздин бир-бир ўттум,  
Ўндин иккига келдим, чархи кайвон<sup>3</sup> ичинда.

Фаввос<sup>4</sup> баҳрига<sup>5</sup> кирдим, вужуд шаҳрини кездим,  
Дурни садафда<sup>6</sup> кўрдум, гуҳарни<sup>7</sup> кон ичинда.

Аршу Курсини юрдум, Лавху Қаламни<sup>8</sup> кўрдум,  
Вужуд шаҳрини кездим, айдим бу жон ичинда.

Уч юз олтмиш сув кечтим, тўрт юз кирк  
тўрт тоғ оштим,  
Ваҳдат шаробин<sup>9</sup> ичтим, туштум майдон ичинда.

Чунки туштум майдонга, майдонни тўла кўрдум,  
Юз минг орифни<sup>10</sup> кўрдум, барча жавлон ичинда.

---

<sup>1</sup> Х о л и қ - Ал-Асмо ал-Хусна - Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: яратувчи, вужудга келтирувчи.

<sup>2</sup> К а в н у м а к о н - борлик, коннот.

<sup>3</sup> К а й в о н - Зуҳал, Сатурн. Ўтмиш мунажжимларларнинг акидасига кўра, у еттинчи осмонда ҳаракат қилиб, бадбахтлик келтирувчи ҳисобланади.

<sup>4</sup> Ф а в в о с - сувга шўнгувчи, сузувчи.

<sup>5</sup> Б а х р - азим дарё, денгиз.

<sup>6</sup> С а д а ф - ичида гавҳар етиладиган ҳукка.

<sup>7</sup> Г у ҳ а р - гавҳар.

<sup>8</sup> Л а в х (Л а в х у л - м а х ф у з) - Оллоҳ инсониятнинг тақдирларини ёзган улкан китоб. Унинг ёнида ёзув қалами бўлиб, катталиги лавҳга мос келадиган шаклда. Қ а л а м - 1) акли аввал; 2) муфассал илм.

<sup>9</sup> В а ҳ д а т ш а р о б и - Оллоҳнинг ягоналигини ҳис қилиш маърифатига эриштирадиган илоҳий май. Ривоятга кўра, Муҳаммад алайҳиссалом меърож кечаси Оллоҳ таоло ҳузурдаги илоҳий майдан тотган эканлар.

<sup>10</sup> О р и ф - маърифат соҳиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон. Оллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларини мушоҳада этадиган завқий ва важдий илмлар эгаси бўлган зот.

Жонни кўрдум жононда, гулни кўрдум майдонда,  
Ошиқларнинг<sup>1</sup> бўстони, жумла майдон ичинда.

Эрни<sup>2</sup> кўрдум эргаштим, излагонимни сўрдум,  
Барчаси санда деди, колдим хайрон ичинда.

Хайрон бўлубон колдим, беҳуш бўлубон толдим,  
Ўзумни дардга солдим, тобтим дармон ичинда.

Сайра сан-о, эй булбул, очилибдур кизил гул,  
Хар гулни холи кўрма, гулни гулзор ичинда.

Мискин Хожа Аҳмад жони, ҳам гухардур,  
ҳам кони,  
Жумла анинг макони, ул ломакон<sup>3</sup> ичинда.



---

<sup>1</sup> О ш и қ – илоҳий жамол ва камолга ошuftа бўлиб, тамоми жидду жаҳд билан Ҳақ таолони изловчи киши.

<sup>2</sup> Э р (Э р а н) – Оллоҳнинг дўстлари бўлмиш валийлар, коми.л инсонлар, тариқат пирларининг туркий номи.

<sup>3</sup> Л о м а к о н – ваҳдат олами бўлиб, у зухур этадиган жой ирфон соҳибларининг соф кўнгилларидир.

## САНИ ДАРДИНГ

Сани дардинг банго<sup>1</sup> дармондин ортук,  
Санга кул бўлгоним султондин ортук.

Санинг ёдингни айсам чўл ичинда,  
Бўлур ул чўл манга бўстондин ортук.

Санинг ёдинг агар кетса тилимдин,  
Вужудим куриюр, вайрондин ортук.

Манинг хор бўлмишим ўз ғафлатимдин,  
Магар қилсанг назар, эхсондин ортук.

Азиз, зор қилғучи султон сануксан<sup>2</sup>,  
Санинг лутфинг қамур<sup>3</sup> алвондин ортук.

На хуш бу дунёда иймону Қуръон,  
Не бўлғай дунёда иймондин ортук.

Манинг бу дардими ҳеч кимса билмас,  
Агар билса Хаким Лукмондин<sup>4</sup> ортук.

Бу янглиғ осий эркан Қул Сулаймон,  
Иноят уманур<sup>5</sup> борондин<sup>6</sup> ортук.

<sup>1</sup> Б а н г о - менга.

<sup>2</sup> С а н у қ с а н - сенсан, ўзингсан.

<sup>3</sup> К а м у р - ҳамма, барча.

<sup>4</sup> Л у қ м о н - Эроннинг каёнйлар сулоласига мансуб шох Қайқубод даврида яшаб ўтган машхур табиб ва донишманд. Ривоятларга кўра, Лукмони ҳаким минг ёш умр кўрган бўлиб, Оллоҳ у зотга нарсалар ва воқеа-ходисаларнинг моҳиятига етиш ва энг тўғри ҳукм чиқариш қобилиятини ато этган.

<sup>5</sup> У м а н у р - умид қилур.

<sup>6</sup> Б о р о н - ёмгир.

## МЕНИНГ ЁРИМНИ<sup>1</sup>

Менинг ёримни ҳеч бир ёрлиги йўқ,  
Ғаму дардим кўриб, ғамхорлиги<sup>2</sup> йўқ.  
Хабар келгай ёринг ноз уйкуда деб,  
Бу не уйқудир – ҳеч бедорлиги йўқ?!

Сенингсиз бош агар қўйсам болишга,  
Суяклар най каби киргай нолишга.  
Ёш ўрнига ғамингда кўзларимдан  
Олов учқунлари бошлар ёғишга.

Қани кўз ёшим уммон бўлмаган тун?  
Қани бир жигарим қон бўлмаган кун?  
Сўзу<sup>3</sup> нола билан ўтмоқда умрим,  
Ҳолимдан беҳабарсан, қадди мавзун<sup>4</sup>.

*(Эргаш Очилов таржимаси)*

---

<sup>1</sup> Бу тўртликлар «Сарбон» гуруҳи хонандаси Фарҳод Саидов томонидан ижро этилган.

<sup>2</sup> Ғ а м х о р – ғамхўр, меҳрибон.

<sup>3</sup> С ў з – бу ерда: ёниш, куйиш, ўртаниш.

<sup>4</sup> М а в з у н – гўзал, чиройли, келишган.



## УМР МОҲИЯТИ<sup>1</sup>

Эй куёш, йўқ сендек кезгувчи олам,  
Менга ҳам йўл кўрсат, йўлчиман мен ҳам.  
Мухаббат йўлида кўрдингми бул кун  
Юзи гардсиз, дили дардсиз бир одам?

Эй кошки, билолсам мен қандай инсон,  
Оламда не излаб бунча саргардон?  
Кераклигим бўлса яшасам хандон,  
Бўлмаса минг кўздан ёш тўксам нолон.

Дил бу чўл ичинда қанча чопмади,  
Қирққа бўлинди-ю, бир қил топмади.  
Кўнглимда минг куёш нур сочди, аммо,  
Камолга заррача ҳам йўл топмади.

Дилда пинҳон йиғи, куламиниз гулдек,  
Бир дамгина ҳаёт қиламиниз гулдек.  
Ўзимизни гулдек ўртага ташлаб,  
Сочилмоқни бахт деб биламиниз гулдек.

*(Шоислом Шомуҳамедов таржимаси)*

<sup>1</sup> Бу тўртликлар Рустам Ғойипов томонидан ижро этилган.

## ТЕРМА РУБОЙЛАР<sup>1</sup>

Ишқдир абадийлик авжида офтоб,  
Хаёт чаманида толедан хитоб.  
Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас,  
Ишқ – нола қилмаслик бўлсанг юз хароб.

Ишқингдан йўқ менга ору маломат,  
Ишқдан беҳабарга қилмам ишорат.  
Бу ишқ шаробидир мардларга дори,  
Номардларга насиб бўлмас бу роҳат.

Муҳаббат ўтида ёнмаса кўнгил,  
Холига вой, дегил, бемору захил.  
Муҳаббатсиз ўтган ҳар бир кунинг, бил:  
Умрингдан беҳуда кетмиш беҳосил.

Маст булбул йўл олди гулистон томон,  
Унда топди бода ҳам гули хандон.  
Юрак тили билан шивирлаб айтди:  
«Бўш қўйма, ўтган умр қайтмас ҳеч қачон!»

Ишқ мажозий эса, офтоби бўлмас,  
Кул босган оловнинг ҳеч тоби бўлмас.  
Чин ошиқнинг эса кеча-ю кундуз,  
Ою йиллар кўзда дам хоби<sup>2</sup> бўлмас.

Тонг чоғида тургил, нозанин гўзал,  
Майдалаб ичайлик, рубобингни чал.  
Дунёда бор одам узоқ турмайди,  
Кетганлари қайтиб келмас ҳеч маҳал.

---

<sup>1</sup> Бу рубойлар ҳофиз Шерали Жўраев, Фаррух Зокиров, Гулбахор Сулаймонова ва бошқа санъаткорлар томонидан қўшиқ қилиб куйланган.

<sup>2</sup> Х о б – уйқу.

Истагим майи ноб<sup>1</sup> бўлгани бўлган,  
Тинглаганим рубоб бўлгани бўлган.  
Менинг тупроғимдан кўза қилсалар,  
У ҳам тўла шароб бўлгани бўлган.

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси – жавҳари ҳам биз.  
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз унинг кўзи – гавҳари ҳам биз.

Қаро ер қаъридан то авжи Зухал,  
Коинот сирларин барин қилдим ҳал.  
Кўп мушкул тугунни англадим, ечдим,  
Ечилмай қолгани биргина ажал.

Ичганда, ақлдан бегона бўлма,  
Эс жўйиб, жаҳлга сен хона бўлма,  
Истасанг қизил май ҳалол бўлишин,  
Ҳеч кимни ранжитма, девона бўлма.

Қиш ўтиб, келади баҳор садоси,  
Етар умр варағин ҳам интихоси<sup>2</sup>.  
Ғам ема, май ичгил, ҳақим дебдиким,  
Жаҳон ғами заҳар, шароб давоси.

Кўп ёмон фалакнинг феъл-афъоли<sup>3</sup> бил,  
Дўстлардан жаҳонни бўшу холи бил.  
Қўлингдан келганча ўзинг билан бўл,  
Кечадан, тонгладан<sup>4</sup> шу дам олий, бил.

Умр дафтарида фол очганда дил,  
Хўрсиниб сўзлади бир куйган кўнги:  
Бахтлидир ул кимса – ой юзли ёри  
Бағрида бўлса-ю, оқшоми бир йил.

<sup>1</sup> Н о б – тоза, тиник, соф.

<sup>2</sup> И н т и х о – сўнг, охир, ниҳоя.

<sup>3</sup> А ф ъ о л – феъллар, ҳаракатлар, одат-ахлоқ.

<sup>4</sup> Т о н г л а – 1) эртага; 2) киймат кунни

---

Тақдир лавҳасида ҳукмим бўлганда,  
Майлимча ёзардим уни шу онда,  
Қайғуни дунёдан йўқотиб буткул,  
Шодликдан бўларди бошим осмонда.

Май ичсанг, окилу доно билан ич,  
Ёки бир гул юзли зебо билан ич.  
Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич, ҳам яширин ич,  
Эзма, расво бўлма, ҳаё билан ич.

Дўстлар иноқликни килсангиз одат,  
Тез-тез дийдор кўриб, ўзни айланг шод.  
Соқий тоза майни сузганда айланг –  
Мен бечорани ҳам дуо бирла ёд.

*(Шоислом Шомуҳамедов таржимаси)*

# Ҳизомий Танжавий

## МЕН ОШИҚМЕН ҒЎЗАЛ ЮЗГА

Мен ошиқмен ғўзал юзга, юзи ойга солур ғавғо,  
Не юздир? Юзлари дилбар. Не дилбар?  
Дилбари зебо.

Агарда кўрмасам юзин бўлур икки кўзим чашма,  
Не чашма? Чашмаи дур ул. Не дурдир?  
Марварид аъло.

Хиром этса агар боғда, бўлур хар ёнда  
минг ғулғул,  
Не ғулғул? Ғулғули булбул. Не булбул?  
Булбули шайдо.

Хаёлим бор дилимда, ғам ила ҳамдам хаёлдир ул,  
Не ҳамдам? Ҳамдами маҳрам. Не маҳрам?  
Маҳрами жоно.

Нигоримда ғўзаллик кўш, яна зулфида хушбўйлик,  
Не хушбўй? Хушбўйи анбар<sup>1</sup>. Не анбар?  
Анбари соро<sup>2</sup>.

Низомий, дилбар ишқинда керақдир сенга  
бир шарбат,  
Не шарбат? Шарбати қотил. Не қотил?  
Қотили бурро<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> А н б а р – кўпроқ Хинд ва Тинч уммонларидаги анбар балиғи (кашалот)нинг ошқозон ёки ичагида ҳосил бўладиган мумсимон кулранг ва хушбўй модда.

<sup>2</sup> А н б а р и с о р о – тоза, холис анбар, ниҳоятда хушбўй анбар; мажозан: позанинларнинг сочи.

<sup>3</sup> Б у р р о (н) – кескир, ўткир.

## ҚАЙДАКИ СЕН БОР

Қайдаки сен бор, камар<sup>1</sup> на даркор?<sup>2</sup>  
Кимгаки сен ёр, шакар на даркор?

Ул тунки, ойдек чикиб келурсан,  
Дерларки: бул кеч сахар на даркор?

Хуснинг умиди дилимда ёркин,  
Шул дурдан ўзга гухар на даркор?

Қачондир охир эшигим очгил,  
Йўкса ҳама дардисар на даркор?

Ваъда берасан, нечун вафо йўк,  
Менинг ғамим шул, дигар<sup>3</sup> на даркор?

Қулликдан эрур Низомий лофи,  
Зулфингдан ўзга камар на даркор?

---

<sup>1</sup> К а м а р - ой.

<sup>2</sup> Д а р к о р - керак, лозим, зарур.

<sup>3</sup> Д и г а р - бошқа, ўзга.

